

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича

Раислик қилувчи:

суд мажлиси баённомасини юритувчи – судья ёрдамчиси
тарофлардан: давлат айбловчиси – Тошкент туман прокурорининг

иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 2-қисми билан айбланган:

уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2024 йил октябрь ойининг 3 кунидан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулоса нусхасини

жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

2024 йил август ойининг 24 куни соат 10:³⁰ларда, Тошкент шаҳар Учтепа туман ИИО ФМБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Фарҳод” бозори ташқарисидаги савдо блоклари олдида ҳаракатланиб кетаётган ХХХХтўхтатилиб, унинг ёнлари холислар иштирокида текширилганида, эғнидаги шимининг ўнг чўнтагидан ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаган “KENT” сигарет қутисининг ичидан фольга қоғозга ўралган сигарет тамакисига ўхшаш модда, суд-кимёвий экспертизанинг 2024 йил 31 августдаги 3251-сонли хулосасига мувофиқ, 1,57 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси мавжудлиги аниқланиб, расмийлаштирилиб олинган.

2024 йил 31 августдаги 3251-сонли суд-кимёвий экспертиза, ЮЮЮдан олинган модда таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “гашиш” деб аталиши, “гашиш”нинг аралашма холдаги умумий оғирлиги 1,57 граммга тенглиги ҳақида хулоса берган.

Суд мажлисида судланувчи ХХХХайбига қисман иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 24 август куни соат тахминан 09:⁰⁰ларда ўзининг ишлари билан Учтепа туман Фарҳод бозорига борганлигини, бозорнинг эски-туски сотадиган растасига пиёда ўтганини ҳамда шу ерда пиёда юрган вақтида пиёдалар йўлагининг ёқасидаги бир дона кичик хажмда зар қоғозга ўралган нарсани кўриб қолганини ҳамда ушбу нарсани ердан олиб ичини очиб қараганида, сигарет махоркасига аралашган гашиш гиёҳвандлик моддаси борлигини билганлигини, у муқаддам гиёҳванд моддасини истеъмол қилиб



кўргани сабабли ушбу гиёҳванд моддасини яхши таниб олганлигини, шундан сўнг ушбу гиёҳванд моддани кейинчалик истеъмол қилиш мақсадида чўнтагига солиб қўйганлигини, шу куни соат тахминан 10^{:30}ларда ўз ишлари билан юриб Фарход бозори ташқарисидаги савдо блоклари олдида борганлигини, шу ерда юрган вақтида, унинг олдида ИИБ ходимлари келиб, хужжатларини кўрсатишиб ўзларини унга таништиришганлигини, шундан сўнг шу ерда унинг ёнларини холислар иштирокида текшириб кўришганини ва шимининг ўнг чўнтагидан гиёҳванд моддасини аниқлашиб, ундан ушбу нарса нималигини ва кимга тегишли эканини сўрашганида, шунда у ИИБ ходимларига ушбу гиёҳванд моддаси эканини ва ўзини истеъмоли учун олиб юрганини айтганлигини, шундан сўнг холислар иштирокида ундан олинган гиёҳванд моддасини расмийлаштириб олишганлигини, “гашиш” гиёҳванд моддасини ҳеч кимга ўтказмаганини ва бундай нияти ҳам бўлмаганлигини, “гашиш”ни фақат ўз истеъмоли учун сақлаганлигини, ҳозирда содир қилган ҳаракатлари оқибатларини тушуниб етиб, бундан пушаймонлигини билдириб, унинг оилавий шароитини инобатга олиб, энгилроқ жазо тайинлашни сўраб, кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ЮЮЮ, ҳақиқатан ҳам 2024 йил 24 август соат тахминан 10^{:30}ларда Учтепа туман Фарход бозори ташқарисидаги савдо блоклари олдида ўз ишлари билан юрган вақтида, уни ИИБ ходимлари тўхтатиб, ўзини таништириб, ундан бир ишда холис шахс сифатида иштирок этишини сўрашганлигини, у таклифга рози бўлганлигини, шундан сўнг шу ерда ўзини шубхали тутиб ҳаракатланиб келаётган ЮЮЮни тўхтатиб, уларнинг иштирокида ёнларини кўздан кечиришганлигини, шунда ЮЮЮнинг эғнидаги шимининг ўнг чўнтагидан “KENT” сигарет қутисининг ичидан фалга қоғозга ўралган сигарет тамакисига ўхшаш модда борлиги аниқланганини ва ушбу модда тегишли хужжатлар расмийлаштириб олишганини ва баённома тузиб уларга ўқиб эшиттирилганлигини билдириб, кўрсатув бериб ўтди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш хужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи ЮЮЮнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарор (и.в.2), билдирги (и.в.3), нарсани олиш баённомаси (и.в.4), ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фото жадваллар (и.в.8–11), суд-кимёвий экспертиза хулосаси (и.в.16–17), ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор (и.в.40), суд-наркологик экспертиза далолатномаси (и.в.47), юзлаштириш баённомалари (и.в.38–39, 53–54), тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Судланувчи ЮЮЮнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми, яъни “Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб, озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга ҳилоф равишда олиш, сақлаш, ташиш, шунингдек уларни озгинадан кўпроқ миқдорда ўтказиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан нотўғри квалификация қилинган.



Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 21-бандида, ЖК 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозимлиги;

Қарорнинг 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқиш лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Бирок, дастлабки тергов даврида ва суд мажлиси жараёнида ХХХХ2024 йил 24 август куни 1,57 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказганлиги ёки ўтказиш мақсадини кўзлаганлиги ўз исботини топмаган, хусусан, иш бўйича мазкур моддаларни олувчи муайян бир шахс аниқланмаган, ХХХХгиёҳвандлик воситасини ўтказмоқчи бўлганлигини (ўтказганлиги)ни тасдиқловчи гувоҳларнинг кўрсатувлари ёки бошқа далиллар ишда мавжуд эмас.

Судланувчи ЮЮЮнинг ўзи ҳам дастлабки тергов ва судда, гиёҳвандлик воситасини ўтказиш ҳолатини тўлиқ инкор қилиб келган.

Республика ихтисослаштирилган наркологиya илмий-амалий тиббий маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2024 йил 20 сентябрдаги 2218-сонли далолатномасига асосан, ХХХХканабиноидларни (анаша) оғир турдаги зарарли истеъмол қилишга чалинганлиги аниқланган.

Дастлабки тергов органлари томонидан ҳам ЮЮЮга нисбатан айб эълон қилишда, шунингдек, тузилган айблов хулосада, у ўзининг қандай хатти-ҳаракатлари билан “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказганлиги ёки ўтказиш мақсадини кўзлаганлиги асослантирилмаган бўлиб, бундай жиноят содир этилганлиги далиллар йиғиндиси билан тасдиқланмаган.

Бу вазиятда, ХХХХгиёҳвандлик воситасини ўтказган ёки ўтказиш мақсадини кўзлаган деб таъкидлаб бўлмайди.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига асосан, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.



Агар шахсининг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–67-сон Фармонида кўра, янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади.

Шу сабабли, суд, судланувчи [REDACTED]нинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмидан 276-моддаси 1-қисмига, яъни “Гиёвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда олиш ва сақлаш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан қайта квалификация қилишни лозим деб топади.

Суд, судланувчи ЮЮЮга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, унинг айбига қисман бўлса-да иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва мулкий аҳволини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, паст ниятларда жиноят содир этганлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддаси, яъни инсонпарварлик принципи ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддаси, яъни одиллик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, ЮЮЮнинг шахсини ҳамда иш бўйича олинган гиёвандлик воситаси тури ва миқдорини инобатга олиб, унга нисбатан санкция доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда [REDACTED] 2024 йил октябрь ойининг 3 кунидан то ҳозирги кунга қадар қамоқда сақланган вақтини ЖКнинг 62-моддаси тартибида тайинланажак жазодан чегиришни лозим топади.

Шунингдек, суд, Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббий маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2024 йил 20 сентябрдаги 2218-сонли далолатномасига асосан, XXXXII даражали сурункали алкоголизм, канабиноидлар (анаша)ни оғир турдаги зарарли истеъмол қилишга чалинганлиги ва алкоголизмдан мажбурий даволанишга муҳтож эканлигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини татбиқ қилиб, яшаш жойи бўйича тиббий муассасаларда алкоголизмдан мажбурий даволаниш чорасини тайинлашни, бундан ташқари, ашёвий далил тақдирини муҳокама



қилиб, ашёвий далил тариқасида олиниб, суд-кимёвий экспертиза тадқиқотида сарфланганидан сўнг қолган гиёвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454–457, 460, 463, 465–468, 471–473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и:

XXXX() Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, ЮЮЮнинг 2024 йил октябрь ойининг 3 кунидан 2025 йил январь ойининг 23 кунига қадар қамокда сақланган 112 (бир юз ўн икки) кунининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазо муддатидан 11 ой 6 кун чегирилиб, узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо пробация бўлинмаси белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

ЮЮЮга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси қўлланилиб, яшаш жойи бўйича тиббий муассасаларда алкоголизмдан мажбурий даволаниш чораси тайинлансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Тошкент

ЮЮЮга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у дарҳол суд залида қамокдан озод қилинсин, ҳукм қонуний кучга киргач эса, эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил: 2024 йил 17 октябрдаги 08952-сонли қвитанцияга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматида топширилган 1,54 грамм “ташиш” гиёвандлик воситаси, ҳукм қонуний кучга киргач, йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, маҳкум эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида Тошкент шаҳар судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

